Ким Аллоҳнинг калимаси олий бўлиши учунгина жанг қилса, ўша Аллоҳнинг йўлида бўлади», дедилар

Абу Мусо разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан шундай деб сўралди: киши шижоати туфайли ҳам жанг қилади, тарафкашлик қилиб ҳам жанг қилади ва риё қилиб ҳам жанг қилади. Буларнинг қай бири Аллоҳ йўлида?. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким Аллоҳнинг калимаси олий бўлиши учунгина жанг қилса, ўша Аллоҳнинг йўлида бўлади», дедилар».

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам жанг қилувчиларнинг мақсадлари ҳақида сўралдилар: «Кимдир шижоатини кўрсатиш учун, кимдир қавм-қариндошчилик туфайли ва яна кимдир одамлар орасидаги мартабаси кўрилиши (ном чиқариш) учун жанг қилади. Буларнинг қайси бири Аллоҳнинг йўлида?» Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳ йўлидаги жангчи Аллоҳнинг калимаси олий бўлиши учун жиҳод қилган киши эканини хабар бердилар.

http://sunnah.global/hadeeth/uz/show/2969